

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

РЕФЕРАТ

“La Universidad” – талабалар газетаси

Бажарди: Д.А.Жуматова

ЎзДЖТУ 2-курс аспиранти

Тошкент — 2010

Испанияда матбуот сингари ёш мутахассисларни тайёрлашга ҳам катта эътибор берилади. Мамлакатнинг ҳар бир вилоят ва шаҳри ўз университет ва институтларга эга.

Алкала шаҳрининг Алкала университети ҳам турли соҳаларга йўналтирилган факультетлардан иборат. Бошқа олий ўқув юртлари талабалари сингари бу университетнинг талабалари ҳам билим олишга, изланишга, янгиликларга эга бўлишга ҳаракат қилишади.

Олий ўқув юртининг нашри ҳисобланган “Universidad” газетаси эса Алкала университетининг ютуқларидан биридир.

“Universidad” газетаси ҳар ойда бир марта 30.000 га яқин ададда чоп этилади. Нашр 24-25 сачаҳифадан иборат бўлиб, унда асосан университет ички ва ташқи ҳаёти ҳақидаги мақолалар эълон қилинади.

Энди газета саҳифаларнинг таҳлилига тўхталиб ўтсак.

“Universidad” нашри “Agenda”(“Ён дафтарча”), “La Universidad Opina”(“Университет фикр-мулоҳазалари”), “Actualidad” (“Ҳозирда”), “Investigacion”(“Ихтиро”), “Reportaje” (“Репортаж”), “Entrevista”(“Учрашув”), “Infraestructuras”(“Ички тузилиш”), “Estudiantes”(“Талабалар”), “Actividades”(“Эълонлар”), “Culturales”(“Маданият”) каби доимий саҳифаларга эга. Бу саҳифаларга “Муҳаррир”, “Театр”, “Юмор”, “Кутубхона жадвали”, “Спорт” каби рукнлар мавжуд.

“Agenda”(“Ён дафтарча”) саҳифаси газетанинг биринчи саҳифаси ҳисобланади. Бунда асосан Университетда бўладиган тадбирлар, мусобақа, грантлар, коференция ва курслар ҳақида маълумот берилади. Саҳифанинг “Horarios de bibliotecas”(“Кутубхона жадвали”) номли рукни остида ҳар бир факультет кутубхоналарининг иш вақти ва саналари ёритилади.

Испаниядаги кўпчилик газеталарда бош муҳаррир мақоласи “Opinion” саҳифасида берилса, “Universidad”да эса бош муҳаррир мақоласи “Terera”(“Учинчи”) номли саҳифада ёритилади. Бош муҳаррир

асосан Университет тарихи, ютуқлари ва у ердаги воқеа-ҳодисалар ҳақида мақолалар ёзади. Бу саҳифада мамлакат ҳаётига оид янгиликлар қисқа сатрларда берилади. Берилган янгиликларнинг ёнига албатта, янгилик олинган оммавий ахборот воситаларининг номи қайд қилинади. Бундан ташқари саҳифа охирида “Юмор” рукни остида талабалар ҳаётига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар карикатура билан ифодаланади.

“La Universidad Opina” (“Университет фикр-мулоҳазалари”) номли саҳифада Университетда амалга оширилган тажрибалар, ихтиролар ҳақида соҳа мутахассисларининг фикрлари мақола тарзида чоп этилади.

“Actualidad” (“Ҳозирда”) саҳифаси бугунги кунга қадар газетхонлар талабларига жавоб бериб келмоқда. Чунки бунда, асосан, Университетда бўлиб ўтган охириги, янги илмий конференциялар, учрашувлар, ҳамкорлик тадбирлари тўлиқ ёзилади.

“La Universidad Opina”да Университет профессор-ўқитувчиларининг ихтиролари ҳақида фикр юритилса, “Investigacion” (“Ихтиро”) саҳифасида айнан ўша ихтиролар ҳақида ихтирочи ўқитувчиларнинг фикрлари интервью тарзида берилади.

Газетанинг “Reportaje” (“Репортаж”) саҳифаси бошқа саҳифалардан ажралиб туради. Чунки бу саҳифада Испания аҳолиси учун қизиқарли ва муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мақолалар, мамлакатдаги машҳур кишилар ҳаётидан лавҳалар ва уларнинг мақолалалари чоп қилинади. Шунинг учун ҳам бу саҳифа рангли ва чиройли, дизайни безакдор. Мисол учун, газетанинг 2001 йил сонидаги ушбу саҳифада мамлакатнинг машҳур журналисти, ёзувчи Сервантес мукофоти совриндори Франциско Умбрал ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Мақола “Francisco Umbral: raza en la pluma” (“Франциско Умбрал: моҳир сўз санъаткори”) номли сарлавҳа остида Чоп этилган бўлиб, мақола охирида Умбралнинг асарлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Мақолага танланган сарлавҳа саҳифани тўлдириб турибди. Саҳифадаги суратлар йирик берилган бўлиб, албатта, фототасвир остига фотомухбир

ва EFE Ахборот агентлиги қайд этилган. Ёзувчининг асарларидан парчалар ҳам алоҳида ранглар билан безатилган. Мақола Франциско Умбрал томонидан ёзилган бўлиб, муаллиф ижодининг самараси, каламнинг кучи ҳақида мазмунли фикрларни билдирган.

“Entrovista”(“Учрашув”) саҳифасида Университет ректори, проректорлар, профессор-ўқитувчилар билан бўлган суҳбатлар бериб борилади. Бу саҳифада, асосан, Университет факультетларининг иш фаолияти ҳақида интервьюлар уюштирилади.

Газетанинг “Entrovista”(“Учрашув”) саҳифасида эса Университетнинг мқтидорли талабалари, уларнинг ижодий фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақидаги мақолалар ёритилади.

“Actividades”(“Эълонлар”) ва “Culturales”(“Маданият”) саҳифалари эса “Муסיқа”, “Театр”, “Спорт”, “Рақс”, “Оммавий” рукнларни ўз ичига олади. Бу саҳифаларда ҳар бир соҳага тегишли бўлган учрашув, тадбир, мусобақалар ҳақида қисқача маълумот, манзиллари ва мусобақаларнинг натижалари эълон қилинади. Газетада нафақат Университет ичида бўлиб ўтган тадбирлар ҳақида, балки Алкала Университети билан Испаниядаги бошқа Университетлар ўртасида ўтказилган учрашувлар, мусобақалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Газетанинг “Fundacion General”(“Муҳим асос”) номли саҳифаси газетхонлар томонидан катта қизиқиш билан ўқилади. Бу саҳифада нафақат мамлакат аҳли, балки бутун дунё учун муҳим саналган мавзулар олиб берилади. Мисол учун, газетанинг яна шу сонида Сервантес мукофоти, унинг 25 йиллиги, Мигуел Сервантеснинг ижодий фаолияти ва мукофотнинг нуфузи ҳақида катта мақола чоп этилган. Бу саҳифада 1976 йилдан буён ушбу мукофотга сазовор бўлиб келаётган совриндорларнинг исми шарифлари тартиб билан берилган. Саҳифадаги “Agenda”(“Ён дафтарча”) сарлавҳаси остида Сервантес мукофотининг 25 йиллиги муносабати билан Университет факультетларида ўтказиладиган

тадбирлар, шеърят кечалари, театрлар, фото кўргазмаларнинг намоиш куни, соати ва манзили тўлиқ кўрсатилган.

“Universidad” Университет нашри бўлгани учун ҳам унда рекламалар кам учрайди. Газетанинг бир сониди 4-5тадан ортиқ реклама йўқ. Саҳифаларда бериладиган рекламалар Университет ҳаёти билан боғлиқдир.

Испан матбуоти нашрларининг барчасида газета бош муҳаррири, муассис, таҳрир ҳайъати, тиражи, босилган вақти ва манзили газетанинг иккинчи бетида берилади.

“Universidad” газетаси ҳақидаги маълумотлар ҳам “Tercera” саҳифасидаги янгиликлардан кейин ўрин олган.

Бу нашр бугунги кунда интернетдаги E-mailга келган мактублар асосида янгиликка ва замонавий ривожланишга интилиб келмоқда. Интернет орқали газета ҳақида фикр билдирмоқчи ёки таклиф киритмоқчи бўлган ўқувчи prensa@alcal.es почтасига хат ёзиши мумкин.

“Universidad” нашрининг мавқеи фақат Университетдагина эмас, балки Испанияда ҳам баланд чўққиларга ҳаракат қилмоқда.

Айнан бизнинг Университетимизда испан тилини ўрганаётган талабалар ҳам Алкала Университетининг фаолияти “Universidad” газетаси ҳақида озгина бўлсада маълумотга эгадирлар.

Битирув малакавий ишининг бу бўлимида биз Алкала Университетининг “Universidad” газетаси ҳақида имкон қадар маълумот беришга интилдик.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни. 24.04.1997 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 12.12.2002 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни. 16.01.2007 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 24.04.1997 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 30.08.1996 й.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни 26.04.1996 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 29.08.1996 й. Т.: «Адолат», 1996.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 11.12.2003 й.
10. Меморандум по Закону Республики Узбекистан «О защите государственных секретов» подготовленный «Артикль 19» Всемирная кампания за свободу слова. Июнь, 2004 г.
11. Mullert N.R. Alles unter Kontrolle - Auf dein Weg zum elektrischen Absolutismus? // *Tehnologia: Das Vorstellbare, das Wunschnbare, das Machbare*. Weinheim; Basel. 1986. S. 111.
12. Павлова С.М. // Глобализация и безопасность (в сб.мат.конф. Глобализация в социально-философском измерении). Сборник. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество, 2003.

13. Поляков Ю.А. // Информационная безопасность и средства массовой информации. М.: Институт международного права и экономики имени А.С. Грибоедова, 2004.
14. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики: Учебное пособие. М.: Изд. Рип-холдинг, 2002 г.
15. Российская журналистика: Свобода доступа к информации. Комиссия по свободе доступа к информации, М.: 1996.
16. www.elpais.es
17. www.elmundo.es
18. www.launiversidad.es